

Масжидул Ақсо эшиклари



17:33 / 27.02.2024 3816

Масжидул Ақсонинг ўн тўртта кириш эшиклари бўлиб, бугунги кунда уларнинг ўнтаси очиқ, тўрттаси ғарбий томондаги эшиклар узоқ вақтлардан бери ёпиқ.

1. Асбот эшиги | Асвад эшиги.
2. Ҳитто эшиги
3. Атам эшиги | Малик Файсал эшиги
4. Ғавонима эшиги/Валид эшиги
5. Ҳадид эшиги
6. Қаттонийн эшиги
7. Мутоҳҳора эшиги
8. Силсила ва сакина эшиги | Пайғамбар Довуд эшиги
9. Муғориба эшиги
10. Мунфарид эшиги | Муфрад эшиги (ёпиқ)

11. Сулосий эшиги (ёпиқ)
12. Муздавиж эшиги (ёпиқ)
13. Заҳабий эшиги (ёпиқ)
14. Мажлис эшиги.

Абдуллоҳ ибн Амр ибн Ос ривоят қилади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар: «Сулаймон ибн Довуд Байтул Мақдиси қуриб бўлгач, Аллоҳдан учта нарса сўраганлар: У Зотнинг ҳукмига тўғри келадиган ҳукми, ўзидан кейин ҳеч кимга берилмайдиган салтанатни, бу масжидга фақат намоз ўқиш учунгина келган ҳар бир одамни гуноҳларидан худди онасидан туғилгандек (поклаб) чиқаришини. Менга иккитаси берилди. Учинчиси ҳам берилишини умид қиламан».

Насоий, Ибн Можа ривоятлари.

Ушбу мақола Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2024 йил 21 февраль 03-07/921-сонли хулосаси асосида тайёрланди.